ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Н. ТЎРАНАЗАРОВ

# ЮРТИМНИ КУЙЛАЙМАН

## 1-қисм

Тошкент -2012

**Тўраназаров Норкўчқор “Юртимни куйлайман”**

Мазкур услубий қўлланма педагогика коллежларининг мусиқа бўлими, олий ўқув юрти мусиқа таълими бўлими талабалари ва умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг куй ва қўшиқ репертуарининг янада бойитиш учун мўлжалланган .

# ЮРТИМНИ КУЙЛАЙМАН

(Услубий қўлланма)

Масъул муҳаррир: доцент М.Ў.Наимов

Тақризчилар: Профессор Ш.Раҳматуллаев
катта ўқитувчилар С.Қурбонов,
О.Азизов, ўқитувчи Д.Сатторов

Термиз давлат университети
Ўқув – услубий кенгашининг 26.03.2012 йил
бўлиб ўтган йиғилиши қарори билан ( 7-баённомаси)
нашрга тавсия этилган.

Қарши “Насаф” нашриёти.

## Сўз боши.

Мамлакатимиз мустақилликнинг йигирма йили ичида асрларга тенг ривожланиш маррасини босиб ўтди ва жаҳоннинг ҳам моддий, ҳам маънавий жадал ривожланаётган давлатлари сафидан мустаҳкам жой олди. Бугун жаҳон Ўзбекистоннинг бетакрор қадимий шаҳарсозлиги, мислсиз фольклор-этнографик маконлиги билан бир қаторда жаҳоннинг замонавий мусиқа марказларидан бири эканлигини ҳам тан олиб турибди.

Миллий-анъанавий мусиқий санъатимиз пойдевори маълумки, тўрт улкан маҳаллий услублар асосига қурилган. Буларнинг биринчиси Хоразм, иккинчиси Самарқанд-Бухоро, учинчиси Сурхондарё-Қашқадарё, тўртинчиси Фарғона-Тошкент услубларидир. Бу услубларнинг ҳар бири халқимизнинг бетакрор мусиқий интелектуал салоҳияти мужассамланган битмас-туганмас хазинадир. Айниқса, истиқлолдан кейин учинчи услуб гуркираб ривожланди ва оммалашди. Бунда Сурхондарё бемисл фольклор-этнографик макон сифатида тан олинди ва фольклорий бу услубнинг мамлакат миқёсда олдинги ўринга чиқишида етакчилик қилди. Бу услубнинг янги-янги қирраларининг комил яратувчилари халқ орасидан чиққан истеъдодлар эканлиги ҳам бор
бўйича намоён бўлиб қолди. Шу юксалиш йилларида Сурхондарё фольклор услубининг катта мураббийлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Холиқ Хурсандов ва улкан рақс устаси Шоира Қурбоновалар саъйи ҳаракати ва илмий асосли китоби билан ўзига хос Сурхон рақс мактаби борлигини илмий ва амалий исботлаб
бердилар. Буни Республика хореография мутахассислари ва маданият жамоатчилиги эътироф этди. Жума Абрайқуловдай бетакрор чанқовуз бастакори ва ижрочиси ҳам шу йиллар кашф этилди. Шу йиллар воҳада ҳофиз-хонандалар бастакорлиги билан бирга касбикомил яъни, нота ёзар бастакорлик саъйи-ҳаракатлари ҳам анча фаоллашди. Ҳофиз бастакорлардан марҳум Абдулазиз Имомовнинг, шнингдек ҳозирда ҳам фаол ижодкорлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Амрулло Назруллаев ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Холиқ Хурсандовлар ижодини алоҳида таъкидлаш мумкин. Воҳада касбикомил бастакорлик – куй ва оҳангни нота белгилари билан ёзиш, шунингдек куй ва қўшиқнинг бош мақомини Европача кўповозли безаклар билан пардозлаш бастакорлиги қўлидан келадиган ижодкорлар ҳам йўқ эмас. Марҳум Сангали Пиров шундай ижоднинг бошловчиларидан эди. Ҳозир бу йўлда Ҳалим Шамсуддинов, Йўлдош Ҳайдаров, Музаффар Наимов, Саттор Қурбонов каби ижодкорлар фаол.

Мазкур услубий қўлланманинг муаллифи Норқўчқор Тўраназаров ҳам юқоридаги нота ёзар бастакорликка саъй қилаётган ижодкорлардан биридир. У Термиз давлат университетининг мусиқий таълим

кафедрасида доцент вазифасини бажарувчи лавозимида ишлайди ва у халқаро “Антик дунё” илмий академиясининг доктори ҳамдир. Тўпламда унинг йигирмадан ортиқ катта ва кичик мусиқа асарлари жамланган. Бундаги қўшиқларнинг бари муаллифнинг илк уринишлари маҳсулидир. Қўшиқларнинг сози ва сўзлари енгил қабул қилинадиган, ўрганишга жуда қулай, ёшларга, хусусан талабалар ва мактаб ўқувчиларига мўлжалланган асарлардир.

“Вокал қўшиқчилиги услубиёти асослари” китобининг муаллифи Л. Дмитриев “Миллий вокал қўшиқчилиги асосида ўша миллатнинг руҳий имкониятлари, мусиқаси, қўшиқчилиги, тили ва шеъриятига хос анъаналари тажассум топади” деган эди. Ҳар бир касбикомил бастакор юқоридаги юксак мезонларни ўзига дастур қилиб ижод қилса, албатта, эл-юрт назарига тушади. Бастакор Норқўчқор Тўраназаров ҳам шу йўлда ҳаракат қилаяпди. Асардаги вальслар ва болаларга мўлжалланган жажжи қўшиқлар катталар ва болалар ижро репертуарлавридан жой олади деб умид қиламан.

**Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг аъзоси, ТерДУ профессори: Шафоат Рахматулло Термизий.**

# Ўзбекистоним

## вальс

Т.Усмонов шеъри
Н.Тўраназаров мусиқаси




Ўзбекистон гўзал бўстон боқий баҳорим,

Ҳавас бирлан боқар жаҳон гулгун диёрим.

Мехрим ишқим ҳам йўлларим кон гулу-нурга

Ардоқлагум бир умрга жон Ўзбекистон.

# Термизийлар ватани

Х.Хурсандов шеъри
Н.Тўраназаров мусиқаси




Термизийлар ватани,

Алпомишлар макони.

Гулла яшна, сурхоним,

Тиниқ бўлсин осмоним.

# Дил навоси

**Ўртача-енгилроқ**

Н.Тўраназаров шеъри ва мусиқаси




Ке - ла жак нур - ли - дир эй дил
Юр - ти - миз бўл - син - тинч эй - дил.
Э - ли - миз яш - най - вер - син - за - мон.
Бу юрт жан - нат - ма - кон - эн - ди.
Ю - ра - гим ёр ис - тай - ди,
Ти - ла - гим ви - сол ис - тай - ди,
Дил сў - зим бис - ёр ис - тай - ди,
То - ле - йим ал - ёр ис - тай - ди.
Бар - ка - мол ав - лод - - шо - дон
Ор - зу - миз бўл - ди нур - аф - шон,
Қалб-лар - да яш - на - син - эз - гу - лик
Дил - лар - да гул - ла - син му - ҳаб - бат
Ю - ра - гим ёр ис - тай - ди,




Юртимиз ҳур диёр кўринди,

Воҳамиз гулизор кўринди.

Бу ёшлар шодиён кўринди,

Бу замон бахтли кўринди.

Нақорат:

Юрагим ёр истайди,

Тилагим висол истайди.

Дил сўзим бисёр истайди,

Толейим алёр истайди.

Келажак нурлидир эй дил,

Юртимиз бўлсин тинч, эй дил.

Элимиз яшнайверсин замон,

Бу юрт жаннатмакон энди.

Нақорат:

Юрагим ёр истайди,

Тилагим висол истайди.

Дил сўзим бисёр истайди,

Толейим алёр истайди.

Баркамол авлод шодон,

Орзумиз бўлди нурафшон.

Қалбларда яшнасин эзгулик,

Дилларда гулласин муҳаббат.

Нақорат:

Юрагим ёр истайди,

Тилагим висол истайди.

Дил сўзим бисёр истайди,

Толейим алёр истайди.

# Карвон келади бобожон

Х.Хурсандов шеъри
Н.Тўраназаров мусиқаси

**Шўх**




Ноғорасин нанай қилиб,
Тангачасин мўмай қилиб.
Иштаҳасин карнай қилиб,
Карвон келади бобожон.
Нақорат:
Карвон келади бобожон,
Меҳмон келади бобожон.

Қароқчига ҳавас қилиб,
Савдогарга ғараз қилиб.
Эшагига араз қилиб,
Карвон келади бобожон.
Нақорат:
Карвон келади бобожон,
Меҳмон келади бобожон.

Кимлигини билиб олинг,
Хизматини қилиб қолинг.
Ақчасини шилиб олинг,
Карвон келади бобожон.
Нақорат:
Карвон келади бобожон,
Меҳмон келади бобожон.

# Киштала болажон

Халқ сўзи
Н.Тўраназаров мусиқаси

**Тезроқ**




Лўппи бети қаймоқдай,

Оғизчаси ўймоқдай.

Тап-тап босгин оёғинг,

Диккиллагин тойчоқдай.

Нақорат:

Киштала-киштал болажон,

Дангала киштал болажон.

Булоқ бўлиб қайнагин,

Улоқ бўлиб ўйнагин.

Тойчоқ бўлиб сакрагин,

Бузоқ бўлиб маърагин.

Нақорат:

Киштала-киштал болажон,

Дангала киштал болажон.

# Булбул сайрар

Халқ сўзи
Н.Тўраназаров мусиқаси

**Енгилроқ**






Табиат жимлигин бузиб,

Чиройли наволар чизиб.

У оҳу кўзларин сузиб,

Булбул сайрар, булбул сайрар.

Дилдаги пардалар ўйнар,

Чиройли наволар куйлар.

Дилдан чиқиб дилга қуюлар,

Булбул сайрар, булбул сайрар.

Бу куйни сўранг ошиқдан,

Кимнинг хабари бўлса ишқдан.

Кулганда гўдак бешикдан,

Булбул сайрар, булбул сайрар.

# Гулчеҳра қиз ўйнасин

Н.Нарзуллаев шеъри
Н.Тўраназаров мусиқаси

**Ўртача**






Нақорат:

Қўшиқ айтай соз билан,

Гулчеҳра қиз ўйнасин.

Имо билан ноз билан,

Гулчеҳра қиз ўйнасин.

Чаккасига гул тақиб,

Табассумла шўх боқиб.

Рақс ила қалбни ёқиб,

Гулчеҳра қиз ўйнасин.

Нақорат:

Оромижон даврамиз,

Шўхи хандон даврамиз.

Дўст қадрдон даврамиз,

Гулчеҳра қиз ўйнасин.

Торим сайрар қўлимда,

Нур поёндоз йўлимда.

Ҳурмати бор элимда,

Гулчеҳра қиз ўйнасин.

# Армон қилур

В.Саъдулла шеъри
Н.Тўраназаров мусиқаси

**Ўртача**






Кимга ким қилса жафо
Бир кун ўзи армон қилур
Ким вафо қилмоқ билан
Ўз кўнглини шодмон қилур.

Хом хаёл оғушида
Ким юрса гар интилмайин
Ўз умид, орзуларин
Бунёд эмас, вайрон қилур.

Во, ажаб қолдирса ким
Бир сўз билан ўтлик дилин
Во, ажаб қолдирса ким
Бир сўз билан ўтлик дилин.

Ухлай олмас бағри тош
Бир кун ёмонлик қилмаса
Яхшиликни яхши ниятли
Азиз инсон қилур.

# Нима бўлди?
## (Хоразм ижро йўлларидан)

Ҳабибий шеъри
Н.Тўраназаров қайта ишлаган






Келмоқчи эди, келмади ёрим нима бўлди?

Ул сарви чаман лола узорим нима бўлди?

Дунёга келиб топган улуғ давлату бахтим,

Шону-шарафим йўқ ила борим, нима бўлди?

Ман бунда қолиб ташнаю ёр унда эрур шод,

Қолмасму асар оҳ ила зорим, нима бўлди?

Ҳайратда боқиб кечаю-кундуз мижжа қоқмай,

Кўз тинди кутиб кўзи хуморим нима бўлди?

Қосиқ ета кўр арзу паёмимни баён эт,

Охир тугамай сабру қарорим, нима бўлди?

Гул-гул ёниб келса Ҳабибийни сўроқлаб,

Яшнаб яшарай фаслу баҳорим, нима бўлди?

# Севмасмидинг

А.Пўлат шеъри
Н.Тўраназаров мусиқаси

**Ўртача**






| | |
|---|---|
| Эркалаб дердим гулим, | Дилда оташ белда куч, |
| Айтгин ўзинг гулмасмидинг. | Чўлларни куйдиргим тамом. |
| Ғунчадек гул боғида | Мардлигим бас ушбу кун |
| Сен ҳам менга кулмасмидинг. | Оламга билдиргум тамом. |
| | |
| Не сабаб буздинг сўзингни, | Янги бўстон бағрини |
| Кўзга ё илмасмидинг. | Гул бирла тўлдиргум тамом. |
| Мунча ҳам куттирмасанг, | Сўзларинг бўлганда чин |
| Севсанг агар келмасмидинг. | Сен ҳам сурон солмасмидинг. |

# Айтай

В.Саъдулла шеъри
Н.Тўрапазаров мусиқаси

**Ўртача**






Ёрни қай нозу-жафосини айтай,

Осмон ўпар қайси ҳавосини айтай.

Дилга кўяр доғу алам ҳамиша,

Қай бир сўзи тикан балосини айтай.

Дилга солур ғулув келмай ҳеч йироқдин

Қаю заҳарханда балосини айтай

Келса қарар илмай назар дилбар,

Кўзин қай бир жилва-жилосин айтай.

Келса кетар дилга санчиб нигоҳини,

Қайси бу хил қилган шифосини айтай.

# Қиз бўлибсиз

Ш.Раҳматуллаев шеъри
Н.Тўраназаров мусиқаси

**Ўртача**




ма - ли - ка - си сиз бў - либ - сиз, сиз бў - либ -
сиз. О - ху - дай шўх ху - мор шаҳ - ло кўз бў - либ -
сиз, кўз бў - либ - сиз. О - шиқ-лар - нинг
тил - ла - ри - да сўз бў - либ - сиз, сўз бў - либ -
сиз. Кўз - лар сиз - га ё и - ло - ё кўз тег - ма -
син, Ти - ли - миз - да сиз - сиз ду - о кўз тег - ма -
син. кўз тег - ма - син. кўз тег - ма -
син. Ша - фо - ат - нинг шеъ - ри ши - фо кўз тег - ма -
син. кўз тег - ма - син. кўз тег - ма -
син. Ў - зи бит - та со - чи қирқ - та қиз бў - либ -
сиз, қиз бў - либ - сиз. Гў - зал - лар - нинг
ма - ли - ка - си сиз бў - либ - сиз, сиз бў - либ -
сиз. О - ху - дай шўх ху - мор шаҳ - ло кўз бў - либ -




Нақорат:

Ўзи битта сочи қирқта қиз бўлибсиз,

Гўзалларнинг маликаси сиз бўлибсиз.

Охудай шўх хумор шаҳло кўз бўлибсиз,

Ошиқларнинг тилларида сиз бўлибсиз.

Борлиғингиз ишқдан мингта садо қилур,

Бир ғамзангиз минг йигитни гадо қилур.

Ниоҳингиз ором мулкин адо қилур.

Нақорат.

Қизлар сизга ё илоё кўз тегмасин,

Тилимизда сизсиз дуо кўз тегмасин.

Шафоатнинг шеъри шифо кўз тегмасин.

Нақорат.

# Қарагўз
## (туркменча қўшик)

Н.Тўраназаров мусиқаси






Ўғрин-ўғрин гўзлешейли,
Мен сени суйдим қарагўз.
Тесиб бағрин дузлашейли,
Мен сени суйдим қарагўз.

Қара гўз гўзинг сузулер,
Устинда жаним эзилер.
Сен гитсенг тўйлар бозилар,
Мен сени суйдим қарагўз.
Нақорат:

Черхинг нелегимдир сазим,
Сенга яқарми авазим.
Сенсинг менинг сарви назим,
Мен сени суйдим қарагўз.
Нақорат:
Гел-гел-гел-гел
Мен сени суйдим қара гўз.
Гел-гел-гел-гел
Мен сени суйдим қара гўз.

# Ўйнар қора кўзинг сени

Халқ сўзи
Н.Тўраназаров мусиқаси

**Шўх**






Ғамза билан олиб жоним,
Ўйнар қора кўзинг сени.
Сабо тонгги насимидин
Ўйнар қора зулфинг сени.

Яйрасам ёрнинг боғида,
Қишласам кўкси тоғида.
Субҳидам саҳар чоғида
Ўйнар қора зулфинг сени.

Тонг юлдузи порлаб-порлаб,
Шона билан зулфин тараб.
Тонг саҳарларда ялтираб,
Ўйнар қора зулфинг сени.

# Лолагул

Н.Тўраназаров мусиқаси



# Сурхон валси

Н.Тўраназаров мусиқаси



# Озарбайжонча куй

Н.Тўраназаров қайта ишлаган



# Сурхон гўзали рақси

Н.Тўраназаров мусиқаси






## Чилдирма чалай

Г.Комилов шеъри
Н.Тўраназаров мусиқаси

**Ўртача**




Овозлари ҳам,

Роса жержаранг.

Шундайми Аҳмад,

Бум-бак-бак-бум-бак

# Дадажоним

Б.Содиқов шеъри
Н.Тўраназаров мусиқаси

**Шошилмасдан**




Далада ишлайдилар,
Дилимиз хушлайдилар.
Полвонга ўхшайдилар,
Дадажоним яхшилар.

Оқшом йўлга чиқаман,
Дадам қайтса қучаман.
Севинчимдан учаман,
Дадажоним яхшилар.

# Қўзичоқ

Б.Содиқов шеъри
Н.Тўраназаров мусиқаси




Тўнинг майин юм-юмшоқ,

Ялтирар худди чақмоқ.

Боқавергин ҳар ёққа,

Чопқиллайвер ўтлоққа.

Нақорат:

Кенг яйловинг Боботоғ,

Дикирлайсан вақтинг чоғ.

# Қўшиқ куйлар қизалоқ

**Ўртача**
**шўх ва енгил**

Р.Толиб шеъри
Н.Тўраназаров мусиқаси




Бирдан тўхтаб эсищдан,
Еллар қулоқ солади.
Бийрон-бийрон булбуллар,
Аста жимиб қолади.

Нақорат:
Қўшиқ куйлар қизалоқ,
Жаранглайди осмонлар.
Боғлар аро чаманда,
Тебранар гул райҳонлар.

# Қушлар

С.Тожи шеъри
Н.Тўраназаров мусиқаси

**Шўх-енгил**




Қучоғим кенг очаман,
Сизларга дон сочаман.
Қўшиқ куйингиз қушлар,
Кўнгил боғимни хушлар.
Нақорат:
Сайранг боғимда қушлар,
Яйранг боғимда қушлар.

Қанот қоқиб осмонда,
Яйранг гулзор чаманда.
Сизларга ҳеч хавф йўқ,
Бизнинг гўзал ватанда.
Нақорат:
Сайранг боғимда қушлар,
Яйранг боғимда қушлар.

# Гулчиройнинг момоси

Н.Тўраназаров шеъри ва мусиқаси

**Майин-оғиррок**




Момоси ҳам Гулчирой деб,

Эркаланиб ўйнайди.

Гулчирой ҳам моможон деб,

Суйиб-слиб қувнайди.

Моможоним, моможон,

Сиз ҳам ҳамдард онажон.

Эркалайсиз қизижон деб,

Меҳрибоним оппоғим деб.

Йиғлаб-йиғлаб тўймайман,

Онажоним қани сиз деб.

Хархашалар қиламан,

Мени суйиб қучсин деб.

# Совуқ кимни излайди?

П.Мўмин шеъри
Н.Тўраназаров мусиқаси

**Ўртача - кескин**




Бўлса ланжу дангаса,
Тугмасини тақмаса.
Совуқ тезда йиқади,
Ундан ғолиб чиқади,
Совуқ кимни излайди?

Кийинволиб шайланиб,
Юрса қийнаб айланиб.
Бўшашмаса ким агар,
Ундайларга бўйин эгар,
Совуқ кимни излайди?

Қувонтириб янада,
Учиради чанада.
Бўлинг дея қаҳрамон,
Қийнайди қор-бўрон,
Совуқ кимни излайди?

# Бахтиёрлар қўшиғи

Ў.Қурбон шеъри
Н.Тўраназаров мусиқаси

Тантанавор




Қучоқ очиб, меҳринг сочиб,
Она ватан, яйранг дер.
Қувноқ кулиб, завққа тўлиб,
Булбул каби сайранг дер.

Нақорат:

Халқим бўл омон,
Юртим бўл омон.

Кўп миллатли ҳамдаммиз,
Қўллар қўлда, кўзлар йўлда.
Шон қучамиз ҳардам биз,
Зеҳнимиздан, меҳримиздан.

Нақорат:

Халқим бўл омон,
Юртим бўл омон.